



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 21 октябрь, № 208 (6643)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОНА ТИЛИМИЗНИНГ БЕТАКРОР ЖОЗИБАСИ

Хар бир мамлакатнинг Байроқ, Герб, Мадҳия сингари давлат рамзларини белгилловчи энг муҳим омилларидан бири, унинг миллий тили ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир халқ ўз тили тараққиёти учун қайғуради, унинг истиқболи йўлида барча имкониятни яратишга интилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир”.



Мустабид тузум ҳукмронлиги пайтида (ўтган асрнинг 80-йиллари охири) Биринчи Президентимиз шижоати билан миллий тил масаласи кўтарилиши, унга 1989 йил 21 октябрда Давлат тили мақоми берилиши том маънодаги жасорат ва истиқлол сари қўйилган илк қадам сифатида улкан аҳамиятга эгадир.

21 ОКТАБРЬ — “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Ўтган 27 йил давомида ўзбек тилининг жаҳон тиллари ўртасидаги обрў-эътибори ошди. Жумладан, бугунги кунда Ер юзидда беш мингга яқин тил мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқий мақо-

ми, тутган ўрни, қўлланиш доирасига кўра уч турга бўлинади. Яъни: 6 та халқаро тил (инглиз, француз, испан, рус, араб, хитой тиллари), 200 га яқин давлат тили (ўзбек, қозоқ, немис

ва бошқа тиллар), қолган 4800 га яқин тиллар — маҳаллий тиллар (на халқаро, на давлат тили мақомига эга бўлган тиллар).

Она тилимиз — ўзбек тили 1989 йил 21 октябрдаги учин-

чи даражадаги, яъни маҳаллий тил даражасида бўлиб, жуда ҳам ғариб аҳволга тушиб қолган эди. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши **ЎЗБЕК ТИЛИНИ ИК-**

КИНЧИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ, Яъни маҳаллий тилдан давлат тили даражасига кўтарди.

(Давоми 4-бетда).



САЙЛОВ — 2016

Сайловни юксак савияда ўтказишнинг асосий шарти

2016 йилнинг 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган республика онлайн семинар-тренинги ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлар, сайлов комиссияларига сайловга тайёргарлик кўриш масалаларида кўмак бераётган вазирлик ва идоралар вакиллари, олим ва мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов

сайлов кампаниясининг барча тадбири Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ўтказилаётганини қайд этди. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, адолатлилик каби демократик тамойиллар асосида амалга оширмоқда.

(Давоми 3-бетда).



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент куйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди. Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республика-

си Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибидида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилган **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидландики, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида ислохотлар ўтказиш йўлидан борди.



Муҳокама чоғида шу нарса алоҳида таъкидландики, қонун лойиҳаси муҳим ва ўз вақтида қабул қилинаётган бўлиб, у коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни кенг кўламда қонун йўли билан тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг самарадорлигини кучайтиришга, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳа-

сида бундай ҳолатга тўлиқ барҳам беришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали коррупциянинг барча кўринишига нисбатан муросасизлик муҳитини яратишга қаратилгандир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

(Давоми 3-бетда).



“Менинг овозим — Ватаним келажагига дахлдор”

Шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Сайлов округларида сайлов комиссиялари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан сайловчилар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил қилинаётипти.

Бунда жорий йил 7 октябрда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар

дастури муҳим аҳамият касб этаётир.

Наманган вилоятида, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 69 минг нафардан ортқ йигит-қизлар сайловда илк бор иштирок этиши кутилмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Бунёдкорлик ва фаровонликнинг муҳим мезони

Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги кунда таълим тараққиётининг муҳим омил сифатида тобора халқилуви аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши маълум. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни илм-фан ҳамда техника ютуқларисиз, инновацион ғоя ва изланишларсиз тасаввур қилиш мушкул.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислон ҳамкорлик ташкилати Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида ёшларда илм-фанга ҳамда таълим олишга интилиш

туйғусини кучайтириш, барча жамиятда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунё халқларига ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани низоҳатда аҳамиятли

бўлди. Унда таъкидланганидек, айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шунини ўргатади.

(Давоми 3-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2015 йилнинг шу давридаги нисбатан 7,8 фоиз, саноат ҳажми 7,2 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги ҳажми 6,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,2 фоиз ўсди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланишининг ижобий салдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити ва 2,2 фоизни ташкил қилган инфляция даражасининг пастлигини ифода этган макроиқтисодий барқарорликни сақлаш орқали эришилди.

Саноатни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштиришга оид фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,4 фоиз ва пудрат-қурилиш ишларининг 15 фоиз ўсиши имконини берди.

Жорий йил бошидан буён 2016 — 2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида 9 мингта янги сервис объекти ташкил этилгани шу йилнинг тўққиз ойида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 12,4 фоиз ва ялпи ички маҳсулот таркибидида хизматлар улушини 2015 йилнинг шу давридаги 51,2 фоиздан 51,7 фоизгача ошириш имконини берди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(2015 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,8
Саноат	107,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги	106,4
Жами хизматлар	112,4
Чакана савдо айланмаси	114,2
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	109,4

Шу йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари кўпайишининг асосий қисми қайта ишлаш саноати тармоқлари томонидан таъминланди. Саноат маҳсулотларидаги уларнинг улуши 2015 йилнинг шу давридаги 78,2 фоиздан 79,7 фоизга ошди.

Хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида товар ишлаб чиқарадиган тармоқларда саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,8 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 113,7 фоиз, фармацевтика маҳсулоти ва препаратлари 123,7 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 134,1 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 112,9 фоиз ошди.

Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тайёр истеъмол товарлари турини кенгайтириш мақсадида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг технологияларини харид қилиши ҳамда айланма капитални кўпайтириши учун тижорат банклари 4,4 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратди. Тайёр тижорат-трикотаж маҳсулотларининг 57 янги тури ва 141 моделини, 80 дан зиёд турдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 50 дан ортқ янги тури, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари, конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, автомобиллар спидометри, электр печлар, сув тўплайдиган электр иситкичлар, спорт тренажёрлари, болалар велосипеди ва самокатлари ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 4091,7 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 миллиард долларни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Молия-банк тизими барқарорлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида шу йилнинг тўққиз ойида банклар умумий капитали 22,8 фоиз, уларнинг активлари 25,5 фоиз, банклардаги депозитлар 27,5 фоиз кўпайди. Натижада тижорат банклари маблағлари ҳисобидан иқтисодиётга кредит ажратиш ҳажми 25,7 фоиз ўсди. Бунда ажратилган банк кредитлари умумий ҳажмининг қарийб 80 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

Жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,7 миллиард долларлик 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Хусусан, «Жиззах вилоятдаги цемент заводини кенгайтириш», «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли икита буғ-газ турбинаси қуриш», «Ангрен ИЭС-да кўмир қуқунидан фойдаланишга мўлжалланган 150 МВт қувватли энергия блоки қуриш», «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонасида йиғирув корхонаси ташкил этиш (IV-босқич), «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Texnika» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш» ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида ҳисобот даврида қарийб 22 минг лойиҳа, жумладан, sanoat соҳасида 3195 корхонада янги қувватларни ишга тушириш, 162 корхонада янги фаолият турларини йўлга қўйиш, 264 корхонани модернизация қилиш ва 653 корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришни ўз ичига олган 4274 лойиҳа амалга оширилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда жорий йил бошидан буён 2,65 миллиард долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,2 фоизни ташкил қилди. Бу маблағларнинг 1,8 миллиард доллардан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Натижада ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмида хорижий сармоялар улуши 21,1 фоиздан 22,3 фоизга етди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологияни янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015—2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаёtgа самарали татбиқ қилиниши натижасида йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннарини ўртача 9,4 фоиз камайтиришга эришилди.

II. Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш

Жаҳон иқтисодиётда инкироз ҳолатлари ҳамон сақланиб турган ва жаҳон бозоридagi нархлар экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда юртимиз экспортчиларининг ташки бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида хорижга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификациялаш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб қилиш ишлари давом эттирилди.

Жорий йил бошидан буён яна 835 корхона экспорт фаолиятига жалб қилинди, 246 турдаги янги маҳсулот экспорти йўлга қўйилди. Маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географияси 52 та янги бозорга кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Иордания, Ироқ, Гана, Сенегал, Кот-д'Ивуар, Сомали, Нигерияга енгил автомобиллар, Япония, ХХР, АҚШ, Исроилга виноматериаллар ва вино-ароқ маҳсулотлари, Польша, ХХР, Туркия, Жанубий Корея, Латвия, Афғонистонга кимё маҳсулотлари,

Швеция, Руминия, Болгария, Туркияга минерал ўғитлар, Беларусь, Озарбайжон, Польша ва Жанубий Кореяга спорт пойабзаллари, чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Бунинг самарасида шу йилнинг тўққиз ойи якунларига қўра, товар ва хизматлар экспорти ҳажми 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 фоиз ўсди. Полиэтилен, трикотаж полотно, ип газлама, фармацевтика препаратлари ва тиббиёт буюмлари, молибден, вольфрам маҳсулотлари, аммофос, кальцийлаштирилган сода, юк автомобиллари ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошди.

Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилгани, жумладан, «Ўзагроэкспорт» иختисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилгани натижасида жорий йил тўққиз ойида 543 минг тоннадан зиёд ёки 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 40,4 фоиз кўп хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

III. Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш

Жорий йилнинг тўққиз ойида 2015—2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш фаол давом эттирилди.

Жумладан, янги Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш ва Поп — Қўқон — Анджион участкасини электрлаштириш ишлари ниятисига етказилди. Самарқанд — Бухоро йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи электр поездлари қатновни йўлга қўйилди. 98 километрлик темир йўл участкаларни қайта тикланди, 300 километрдан зиёд автомобил йўллари реконструкция қилинди, узунлиги 1000 километрдан ортиқ хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳар, қишлоқ аҳоли пунктлари, туман марказлари ва шаҳар посёлкалари кўчалари жорий таъмирланди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари паркини янгилаш лойиҳасини амалга ошириш доирасида Миллий авиакомпаниямиз парки дастлабки «Boeing 787-800 Dreamliner» самолёти билан тўлдирилди.

2013—2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши доирасида жорий йил бошидан буён замонавий технологиялардан фойдаланиш имконини берувчи 1756 километрдан зиёд кенг полосали оптик-тонали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Давлат ахборот ресурслари сони 318 тага етказилди, давлат органлари ахборот тизимлари 485 тадан ошди, 290 турдаги интерфаол хизматлар жорий этилди. Шу йилнинг тўққиз ойида Ягона портал орқали 802 мингдан зиёд хизматлар кўрсатилди ва ўсиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,9 баробарни ташкил қилди.

IV. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил тўққиз ойида қиймати 313,6 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан 373 давлат активи хусусий мулкдорларга сотилди. Шундан 96 давлат активи қиймати 294,5 миллиард сўм ва 27,2 миллион долларлик инвестиция мажбуриятини олиш ва 7,4 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш шарти билан инвесторларга «ноль» қийматида сотилди.

45 акциядорлик жамиятида хорижий инвесторларга низом ҳамгармасининг 15 ва

ундан кўп ҳажмдаги давлат улушлари сотилди. Бунинг самарасида низом ҳамгармасида давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари сони ўтган йилнинг шу давридаги 302 тадан 183 тага тушди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури амалга оширилиши доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, товарларни (ишлар, хизматлар) электрон тижорат шаклида сотишни тартибга соладиган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди. Қурилишнинг барча босқичида тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари доирасида ягона қоида ва талаблар белгиланди, бино ва иншоотлар ташқи кўринишини ўзгартириш, объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, шунингдек, тураржойларни нотураржойлар тоифасига ўтказишга рухсат бериш талаблари жорий этилди. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилангани бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кичик корхоналар ташкил этиш мақсадида жорий йил тўққиз ойида кичик бизнес субъектларига 12,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарни ташкил қилди. Жумладан, қиймати 2,7 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 185,7 миллион доллар миқдоридagi кредит линиялари ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида «Е-йго» идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини фаол жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» марказлари орқали 75 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хом ашё бозорларидан фойдаланиш кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хом ашё биржасида давлат харидлари (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 103,4 фоиз) етди, тўққиз ой давомида 1,6 миллион тонна гўшт (106,6 фоиз), 6,9 миллион тонна сўт (106,9 фоиз), 4,5 миллиард донадан ортиқ тухум (110,8 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан жорий йил бошидан буён 1,1 мингдан зиёд корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификация, аккредитация, маҳсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 40 дан ортиқ халқаро шартнома тузилди.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг тўққиз ойида 23,6 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш имконини берди. Натижада ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоиз (2015 йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 53,6 фоиз бўлган), sanoatда 43,8 фоиз (38,7 фоиз), инвестицияларда 38,3 фоиз (33,5 фоиз), чакана савдо айланмасида 89,9 фоиз (87,3 фоиз) ва бандликда 77,8 фоиз (77,5 фоиз) ошди.

V. Қишлоқ хўжалигида ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва самарадорлигини янада ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонларини кенгайтиришга қаратилган 2016—2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,4 фоиз ошириш имконини берди.

2016 йилнинг тўққиз ойида пахта майдонларини 30,5 минг гектарга қисқартириш ва бўшаган ерларга ички ҳамда ташқи бозорда талаб юқори бўлган мева-сабзавотлар экиш ҳисобидан экин майдонлари тузилмаси оптималлаштирилди. Бундан ташқари, 8,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар, 5,2 минг гектарда тоқзорлар ташкил этилди. 6 минг гектар майдондаги боғлар ва 3,5 минг гектардаги тоқзор қайта тикланди. 532 гектар майдонда 9,9 мингта замонавий иссиқхона барпо этилди.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини янада ошириш мақсадида 2013—2017 йилларда сугорилидиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг тўққиз ойида узунлиги 734,6 километрлик коллектор, 229 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 846 та қудуқ, 50 та гидротехника иншооти ва 7 насос станцияси барпо этилди ва реконструкция қилинди.

2016—2020 йилларда мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «Ўзбек-озиковқатзахира» уюшмасининг ҳудудий компаниялари, фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар томонидан 64,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 164 янги совитиш камераси ташкил этилди.

Шу йилнинг ўтган даврида мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамадсан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди ва йиғиб олинди. Жумладан, 2,3 миллион тонна қартошқа, 8,2 миллион тонна сабзавот, 1,5 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 1,2 миллион тоннадан ортиқ узум, 2 миллион тонна мева ва резаворлар тайёрланди.

Жорий йил бошидан буён чорвачилик сектори салоҳиятини янада ошириш мақсадида тижорат банкларининг қиймати 380 миллиард сўмдан зиёд кредитлари ҳисобидан қорамол боқиш, паррандачилик, асаларичилик хўжалиқларини ривожлантириш ва балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича 5,2 мингта лойиҳа амалга оширилди.

Натижада шу йилнинг 1 октябр ҳолатига қўра, қорамоллар умумий сони 11,6 миллион бошга (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 103,4 фоиз) етди, тўққиз ой давомида 1,6 миллион тонна гўшт (106,6 фоиз), 6,9 миллион тонна сўт (106,9 фоиз), 4,5 миллиард донадан ортиқ тухум (110,8 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш

Таълим ва тиббий хизматлар сифатини янада яхшилашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш учун йил бошидан буён қиймати 919,5 миллиард сўмлик капитал қўйилма ўзлаштирилди.

Бюджетдан ташқари Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасалари объектла-

рини қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун 201,3 миллиард сўм ўзлаштирилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт иншоотлари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қиймати 285,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Умуман, жорий йил бошидан буён 86,3 минг ўқувчига мўлжалланган 236 умумтаълим мактаби, 1,1 минг ўқувчига мўлжалланган 2 академик лицей, 2,3 минг ўқувчига мўлжалланган 21 касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун 550 ўринли 4 ётоқхона, 24 тиббиёт муассасаси, 15 мусика ва санъат мактаби, 232 болалар спорт иншооти ва бошқа объектлар барпо этилди.

Аҳоли турмуш сифатини янада яхшилаш мақсадида ҳисобот даврида янги қишлоқ массивларида замонавий лойиҳалар асосида 12 мингдан ортиқ якка тартибдаги шинам уйлар фойдаланишга топширилди.

Барпо этилаётган қишлоқ уй-жой массивларида 453 километрлик сув таъминоти тармоғи, 256 километрлик газ, 323 километрлик электр тармоқлари тортилди, 283 трансформатор нимстанцияси ўрнатилди.

Умуман олганда, жорий йил бошидан буён мамлакатимизда 10,1 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 7,6 миллион квадрат метр уй-жойлар, 1,6 минг километрдан зиёд, хусусан, қишлоқ жойларда 1,3 минг километр сув таъминоти тармоқлари бунёд этилди.

Аҳоли даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини муттасили оширишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши жорий йил бошидан буён ўртача ойлик иш ҳақини 12,6 фоиз ошириш имконини берди. Шу йилнинг 1 октябрдан бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори яна 15 фоиз кўпайди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида 2016 йилнинг тўққиз ойида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, мустаҳкам, соғлом ва аҳил оилани шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш ишлари амалга оширилди. Бу ишларни молиялаштириш учун барча манба ҳисобидан 6,8 триллиондан ортиқ сўм ва 150 миллион доллар йўналтирилди.

Жорий йил бошидан буён оила қураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, болаларни 12 та бошқариладиган инфекцияга қарши профилактик эмлаш, ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан ўтказиш, уларни поливитамин билан бепул таъминлашга доир фавол ишлар олиб борилди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари мамлакатимизни ислох этиш, модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва ислохотларни амалга оширишнинг беш машхур тамойилига асосланган стратегияни мақсадли ҳамда тизимли амалга ошириш самарасида глобал иқтисодий ривожланиш суръатлари сусайгани ва жаҳон бозорида конъюнктура ёмонлашувига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганидан далолат беради.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаатида таъкидлаганидек, «...биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади». Шу боис жорий ва келгуси йилларда демократик янгилашни бўйича бошланган ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, хусусий мулк улушини ошириш ва унинг устуворлигини таъминлаш, мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорлик даромадини муттасил кўпайтириш учун зарур шароитлар яратиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифасидир.



Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, соҳадаги янгиланганда тўлиқ хабардор бўлиш, маҳсулот тайёрлашда илғор инновациялардан унумли фойдаланиш, ихтисослашувни чуқурлаштириш, истиқболли ҳамкор-

ликка йўл очувчи иқтисодий форум вазифасини ўтамоқда. Бундан ҳам муҳими, у хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада ривожлантириш, тадбиркорларга янги ҳамкорлар топиш, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни ички бозорга етказиб бериш ҳамда экспорт қилиш учун келишувга эришишга кўмаклашишда асосий омил бўлаётир. Биргина ўтган йилги Халқаро Са-

ноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида юртимиздаги 2030 sanoat корхонаси қаторида Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Озарбайжон, Хитой, Афғонистон, Швейцария, Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Польша, Франция, Япония каби дунёнинг 55 мамлакатидан 1300 дан ортиқ фирма ҳамда компаниялар вакиллари иштирок этгани бунинг тасдиғидир. Пировардида кооперация алоқалари бўйи-

ча 11,8 триллион сўмлик келишувларга эришилиб, 8,3 миллиард АҚШ долларилек экспорт шартномалари имзоланди. Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекциясида олинган маълумотларга қўра, айни пайтда галдаги иқтисодий форумга жиддий тайёргарлик қўрилмоқда. Бу йил иштирокчилар стендлари «Ўзэкспомарказ» мажмуининг 4 павильон, 2 атриум, 2 конференция зали ҳамда очик типдаги 3 та кўргазма майдонига жойлаштири-

лади. Бундан ташқари, умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ бўлган йиғма ёпиқ конструкцияли майдон ҳам шай ҳолатга келтириб қўйилди.

Умуман, Х Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси катнашчилари ихтиёрига 22 минг квадрат метрлик майдон ажратилди.

Жорий йилги тадбирда ҳам, худди аввалгиларида бўлганидек, иқтисодиётнинг фармацевтика, қурилиш, автомобилсозлик, маши-

насозлик, озиқ-овқат, металлургия, электротехника, енгил sanoat сингари етакчи тармоқлари қамраб олинади.

Шу билан бирга, тадбирда қатнашиш истағидagi иштирокчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида онлайн режимида рўйхатга олиш йўлга қўйилиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган 24 минг номдаги sanoat маҳсулотлари ҳақида ахборот берувчи маълумотлар базаси ташкил этилди. Қолаверса, тадбир асосида қўллаб урчашув ва семинарлар, тақдимот маросимлари ҳам уюштирилди.

Буларнинг барчаси навбатдаги Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳар дўшмидек ишчан руҳда, самарали ўтишидан далолатдир.

Дилшод УЛУҒМУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Она тилимизнинг бетакрор жозибаси

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шунингдек, ўзбек тили — давлат тили сифатида тикланди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб белгиланиши тилимизнинг ижтимоий ҳаётда қўлланилиш мавқеини янада мустаҳкамлади, уни муқаддас ва буюк тилсولга айлантирди.

Жорий йилда миллий тилимизни янада тараққий эттириш йўлида навбатдаги оламшумул қадам ташланди. Яъни 13 май куни Биринчи Президентимизнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети» ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони Ватанини, миллиятни севувчи ҳар бир инсонни қувонтирди. Унда ўзбек тилининг тарихий тараққиёти, унинг ҳозирги замон глобаллашув шароитида жамият маънавий ривожланишида тугган ўрни масалаларига эътибор қаратилиши халқимиз юрагининг туб-тубидаги гаплар бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги Фармонни мамлакатимизда босқичма-босқич, изчил равишда олиб борилаётган тил сийсатининг мантиқий давоми, ўзбек миллиятининг узоқ келажагини таъминловчи, шу соҳада ҳозирги замон талабларига тўла жа-

воб берадиган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида фундаментал норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Айтиш керакки, истиклол шарофати билан ўзбек атамашунослиги тизимида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Миллий давлатчилик ва қадриятларимизга хос бўлган қўлгичи на атамалар амалиётга жорий этилди. Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, вазир, вазирлик, ҳокимлик, давлат маслаҳатчиси, давлат қотиби, ҳуқуқий тартибот, миллий-ҳуқуқий тизим, миллий-ҳуқуқий қонунчилик, ўзбек давлатчилиги, маъмурий-ҳудудий тизим, суднинг сайёр мажлиси, одил судлов, эҳтимолий ҳуқуқ, обуначи, муаллифлик ҳуқуқи, гумон қилинувчи, қилмиш, қонун устуворлиги каби бир қанча атамалар шулар жумласидадир. Ҳатто узоқ йиллар давомида ўзбек юридик тилида қўлланиб келинган, лекин мазмун ва моҳияти шаклига тўғри келмайдиган айрим атамаларнинг муносиб муқобилларини ишлаб чиқишга эришилди.

Шу билан бирга, ўзбек атамашунослик тизимига узоқ келажакни кўзлаб ҳар жиҳатдан иқдорий ёндашилди, яъни атамашунослигимиз ўз «қобили»га ўралиб қолгани йўқ. Унда бутун дунё халқлари томонидан бир хил тарзда ишлатилаётган аксарият халқаро ата-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

малар асл шаклида берилди. Жумладан, Конституцияимизда ҳаммаси бўлиб 5400 дан зиёд сўз ишлатилган. Шундан 42 таси халқаро атамаларга тўғри келади. Улар қуйидагилар: республика, конституция, суверенитет, демократия, принцип, орган, герб, референдум, президент, партия, суд, институт, норматив, субъект, норма, телефон, банк, пенсия, юридик, цензура, суверен, округ, стратегик, валюта, кредит, бюджет, комиссия, прокурор, ратификация, денонсация, парламент, смета, аккредитация, дипломатик, орден, медаль, амнистия, нормал, материал, адвокат, кооператив. Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маданий,

сийсий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб турмайди. Айниқса, шиддат билан ривожланаётган бугунги глобаллашув шароитида давлат тилини янада такомиллаштириш, уни ҳозирги фан ва техника асри амалиётга мослаштириш мақсадга мувофиқ. Зеро, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ҳарбий иш, юриспруденция, дипломатия каби соҳаларда ўзбек тилининг мавқеини оширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этапти.

Шухрат КҮЧИМОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

эгалланган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади:

- 2-Стоматология кафедраси — мудар.
- Пульмонология ва клиник аллергология кафедраси — мудар, ассистент.
- Дерматовенерология ва косметология кафедраси — доцент.
- Акушерлик, гинекология ва перинатал

- медицина кафедраси — доцент.
- Урология ва нефрология кафедраси — доцент.
- Ультратовуш диагностика кафедраси — ассистент.
- Офтальмология кафедраси — профессор.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: (0-371) 267-60-74.

15878-671

«Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

* Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 10 июлдаги 16-1502/6725-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган тумани, «Богисамо» ҚФЙ, «Шербулоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган, «Шербулоқ узулмлари» агросаноат фирмасига тегишли трактор парки ҳамда автогараж бино-иншоотларининг бир қисми, яъни қурилиш ости майдони 32,40 кв. м. бўлган қоровулхона ва туташ бостирма биноси, қурилиш ости майдони 132,48 кв. м. бўлган машина бостирмаси ҳамда қурилиш ости майдони 13,72 кв. м. бўлган ҳожатхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 34 648 420 сўм.

* Аукцион савдосига Учқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Учқўрғон туманлараро судининг 2016 йил 11 июлдаги 1-2407-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учқўрғон тумани, «Қайқи» ҚФЙ, «Янгиҳаёт» МФЙ, Янги кўчасида жойлашган, умумий майдони 643,00 кв. м., қурилиш ости майдони 203,31 кв. м., фойдаланиш майдони 107,25 кв. м. бўлган, 4 (тўрт) хонадан иборат ҳовли-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 46 875 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 23 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 21 ноябрь куни соат 18.00.

* Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 24 февралдаги 16-1305/18245-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Норин тумани, Ҳаққуллоб шаҳри, Бобур номидаги МФЙ ҳудудида жойлашган, «Норин МТП» АЖга тегишли, қурилиш ости майдони 140,60 кв. м. бўлган маъмурий бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 46 769 895 сўм.

Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй.
Телефон: (0-369) 227-85-25. Электрон почта: best.namangan@inbox.uz
www.emulk.uz

15878-640

* Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 28 майдаги 16-1006/5570-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Норин тумани, «Учтепа» ҚФЙ, «Пастки Чўжа» МФЙ ҳудудида жойлашган, «Пахтакор ММТП» МЧЖга тегишли, умумий майдони 950,06 кв. м. бўлган идора биноси ҳамда гаражлар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 66 371 400 сўм.

* Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 12 октябрдаги 15-1509/19044-сонли ва Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 4 январдаги 16-1501/20829-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Норин тумани, Ҳаққуллоб шаҳри, «Ўзбекистон» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 1109,25 кв. м. бўлган, «Норин тола» АЖга тегишли тайёр махсулотлар айвони бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 80 775 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 4 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 045 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ КИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 8 ОКТЯБРДАН 14 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 11-мх-сон «Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги намунавий битимни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2831 (2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 16 сентябрдаги 01-02/12-59-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча қилиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2806-2 (2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 10 октябрдаги 243-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси қўнунчилик тармоқларининг ўмумхуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2832 (2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 34-сон «Ўзбекистон Республикасида спорт турлари реестри

(2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2016 йил 3 октябрдаги 87-Н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Фўқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ—71) қўшимча қилиш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-2 (2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 35-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига қилиш ҳамда ушбу реестрни юриш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2833 (2017 йил 17 январдан қўлга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 34-сон «Ўзбекистон Республикасида спорт турлари реестри

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2354-1 (2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 30 сентябрдаги 22-Б-сон «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига қиритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкнидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2833 (2017 йил 17 январдан қўлга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 28 сентябрдаги 75-сон «Бухгалтерия ҳисобидида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгарти-

ришлар қилиш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1961-1 (2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 28 сентябрдаги 76-сон «Бухгалтерлик ҳисобидида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиви тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-2 (2016 йил 17 октябрдан қўлга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Ўзбекистон Республикасида спорт турлари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруғи (рўйхат рақами 2354, 2012 йил 25 апрель).

Адлия вазирининг 2016 йил 11 октябрдаги 246-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш қилиштириш ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

«AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 23 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 16 августдаги 11-1636/7494-сонли ҳамда 11-1636/8067-сонли ижро варақаларига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 442 QCA бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 437 QCA бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 436 QCA бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 430 QCA бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 432 QCA бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 316 FEA (439) бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 317 FEA (431) бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 435 QCA бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 438 QCA бўлган, «ГБА СПГ САМС» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефон: (0-371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 2015 йил 8 июлдаги 2-2679/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мазрифат кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 99,57 кв. м., яшаш майдони 55,21 кв. м. бўлган 1 қаватли 15-уй қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 222 571 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 21 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат

13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 18 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамис кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (0-371) 228-80-23.
www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 106